



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
Уруғчиликни ривожлантириш маркази
“Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
биринчи ўринбосари


Ш.Тешаев
“ 15 ” “ июнь ” 2021 й
02/Т-9-40

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекцияси
бошлиғи


А.Вахабов
“ 17 ” “ июнь ” 2021 й
0113-Ю.І-496

РЕСПУБЛИКАМИЗ ХУДУДЛАРИДА ЕТИШТИРИЛГАН УРУҒЛИК
ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ТЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САҚЛАШ,
ҚАЙТА ИШЛАШ, КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН СИФАТЛИ
УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ХЎЖАЛИКЛАРГА
ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
ТА В С И Я

ТОШКЕНТ-2021 йил

Ушбу тавсия Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Тешаев, А.Шамсиев), Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Вахабов, Н.Исмаилов) ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Ш.Мамажонов, Ш.Мамадиёров, Б.Разоқов) олим ва мутахассислари томонидан тайёрланган.

Мазкур тавсия республикамизда етиштирилган уруғлик пахта хом ашёсини териш, тайёрлов масканларида қабул қилиш, тўдаларга жамғариш, сақлаш ва пахта тозалаш корхоналарига ташиш ҳамда келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик чигит тайёрлаш, хўжаликларга тарқатиш ва уруғлик чигитни экишга тайёрлаш бўйича маълумотлар баён этилган.

Тавсия қишлоқ хўжалигининг уруғчилик пахта етиштирувчи барча субъектларининг раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

Тавсиянома Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан чоп этишга тавсия этилган (2021 йил ___ июндаги №____–сонли баённома).

Муаллифлар:

Ш.Т.Мамадиёров – Уруғчиликни ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи

Н.Х.Исмаилов – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Б.Р.Разоқов – Уруғчиликни ривожлантириш маркази мутахассиси

Такризчилар:

А.Шамсиев - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

В.Ракипов - “Пахта илмий-инновация маркази”МЧЖ Ишлаб чиқариш ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, техника фанлари номзоди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур тавсияда республикамиз ҳудудларида етиштирилган уруғлик пахтани териш, тайёрлов масканларида қабул қилиш, тўдаларга жамғариш, сақлаш ва пахта тозалаш корхоналарига ташиш ҳамда келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик чигит тайёрлаш тизимини ташкил этиш белгиланган.

2. Ушбу тавсия Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда-Марказ) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда -“Ўзагроинспекция”) томонидан ишлаб чиқилиб, мулкчилик шаклидан қатъий назар пахта-тўқимачилик кластерларига, уруғлик ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва унда иштирок этувчи ташкилотларга, элита уруғчилик хўжаликларига ҳамда уруғлик пахта хомашёси етиштирувчи субъектларга тадбиқ этилади.

II боб. Уруғлик пахтани териш тартиби

3. Уруғлик пахтани териш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагроинспекция” ҳамда “Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари” уюшмаси томонидан тасдиқланган қўшма баёнга асосан апробациядан ўтган уруғлик майдонларда амалга оширилади.

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси, “Ўзагроинспекция”нинг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилган апробация комиссиялари ва апробаторлар апробация ишларининг тўғри ва ҳолисона баҳоланиши белгиланган Низом талабларига асосан амалга оширилади.

4. Уруғлик пахтани ўз вақтида ва уюшқоқлик билан териш ҳамда келгуси йил учун сифатли уруғлик тайёрлаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

уруғлик пахта 60-70 фоиз очилган ва апробациядан ўтган ғўза майдонларидан навга хос бўлган ғўза тупининг 3 - 8 ҳосил шоҳларидаги 1 - 2 ўринда жойлашган, тўлиқ очилган ва касалланмаган чаноқлардан терилади. Терим ишларига апробаторлар, “Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Хизматлар кўрсатиш маркази) ҳамда Марказ ходимлари томонидан инструктаждан ўтган махсус теримчилар жалб этилади;

уруғлик пахтани белгиланган тартибда сифатли қилиб теришини назорат қилиш мақсадида 50 нафаргача теримчиларга биттадан агроном-мутахассис бириктирилади;

териб олинган уруғлик пахталарни давлат стандарти талабларида топшириш мақсадида ҳар бир уруғчилик хўжалигида кунлик териладиган пахта

миқдоридан келиб чиқиб, 6 тоннадан 20 тоннагача сиғимга эга бўлган қуритиш хирмонлари ташкил этилади;

элита авлодли уруғлик пахталар махсус қопларга теришиб, ҳосил йили, ғўза нави, хўжалик номи ёзилган ҳолда ҳамда уруғчилик хўжаликларидан терилган авлодли уруғликлар ҳам куннинг ёруғ вақтида топширилади (Марказ тизимидаги элита уруғчилик хўжаликларида етиштирилган уруғлик пахта бундан мустасно);

мавсум охиригача уруғчилик хўжалигининг тиркамасида фақат битта нав ва битта авлод ташилиши назорат қилинади;

элита ва биринчи авлодли уруғлиги етиштириладиган майдонларда ғўза дефолиацияси ўтказиш тақиқланади. Иккинчи ва учинчи авлод уруғлиги етиштириладиган майдонлар ярусли пахта териш машиналарида териш кўзланганда ғўза дефолиацияси юмшоқ таъсир этувчи рухсат этилган препаратлар билан ҳосилнинг камида 40-50 фоизи очилганда ўтказилади;

уруғлик пахта етиштирувчи хўжаликлар пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта тозалаш корхоналари томонидан махсус юк хати ва бошқа зарур расмийлаштирувчи бланкалар билан таъминланади ҳамда уларни тўғри тўлдириш қоидалари билан таништирилади;

уруғлик пахтани қабул қилиш жараёнида ҳар бир масканга туманлар қишлоқ хўжалик бўлимлари, Марказнинг ҳудудий бошқармалари, Хизматлар кўрсатиш маркази, пахта-тўқимачилик кластер корхоналаридан масъул вакиллар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар бириктирилади.

Хизматлар кўрсатиш маркази мутахассислари уруғлик пахтани қабул қилиш, жамғарилган уруғлик пахтанинг дастлабки сифат кўрсаткичларини прогноз таҳлил қилиш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, чигитни туксизлантириш, дорилаш, кадоқлаш жараёнларининг давлат стандартлари ҳамда белгиланган регламентларга риоя қилган ҳолда бажарилишини назорат қилиш ишларига шартнома асосида жалб қилинади.

5. Уруғлик пахтани қуритилган ҳолда, намлик ва ифлослик даражаси O'z DSt 642:2013 “Уруғлик пахта. Техникавий шартлар” давлат стандарти талаблари асосида сутканинг ёруғ кунда соат 19:00 гача топширилиши шарт.

6. Пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш масканларида (кейинги ўринларда - пахта тозалаш корхоналари ва масканлари деб юритилади) уруғлик пахталар ғўза навлари ва авлодлари бўйича алоҳида жамғарилади.

III боб. Уруғлик пахтани қабул қилиш, тўдаларга жамғариш ва сақлаш

7. Марказнинг ҳамда “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари уруғлик пахта майдонларини апробация кўригидан ўтказилганлиги ва яроқли деб топилган уруғлик майдонларга апробация далолатномасини беришни ташкил этади.

Етиштирилган уруғлик пахта фақат Марказнинг ва “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган апробация ҳулосаси асосида пахта тозалаш корхоналари томонидан қабул қилинади.

8. Пахта тозалаш корхонаси ва масканигача бўлган масофа инобатга олиниб, ҳар бир уруғчилик хўжалигининг уруғлик пахта хом ашёсини белгиланган қабул қилиш масканига Марказнинг ва “Ўзагроинспекция”нинг ҳудудий бошқармалари томонидан бириктириш дислокацияси ишлаб чиқилади ҳамда пахта тозалаш корхонасига тақдим этилади.

9. Уруғлик пахта Апробаторлар томонидан белгиланган тартибда ўтказилган уруғлик пахта апробацияси натижаларига асосан, O'z DSt 615:2008 “Пахта. Техникавий шартлар” ва O'z DSt: 642:2013 “Уруғлик пахта. Техникавий шартлар” давлат стандартлари асосида қабул қилинади.

10. Пахта тозалаш корхоналари ва масканлари апробация натижалари асосида ғўза навлари ва авлодлари бўйича кутиладиган уруғлик пахта миқдоридан келиб чиқиб, туман қишлоқ хўжалик бўлими, Хизматлар кўрсатиш маркази туман бўлими ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармаси билан биргаликда ғарамларга жойлаштириш дислокациясини ишлаб чиқади ҳамда ушбу дислокация асосида қабул қилишни йўлга қўяди.

11. Пахта тозалаш корхоналари ва масканлари уруғлик пахтани навлар ва авлодлари бўйича алоҳида ғарамлар, ёпик бостирмалар ва қабул қилувчи ПЛ, ХПШ ҳамда узатувчи ТЛХ-18, КЛП-650 мосламалар, малакали пахта ғарамловчи ишчилар билан тўлиқ таъминлашни ташкил қилади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча уруғлик етиштирувчи хўжаликлар пахта хом ашёсининг асосий қисмини пахта тозалаш корхонасининг корхона қоши масканларига топширишлари лозим.

12. Уруғлик пахтани қабул қилиб олишда қабул қилувчи ходим 1-СХ (пахта) шакл юк хатидаги ёзувларнинг тўғрилигини ва уларнинг расмийлаштирилган апробация далолатномасига тўғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Юк хати бўлмаса ёки ундаги ёзувлар апробация далолатномасига тўғри келмаса, уруғлик пахта апробацияни ўтказган агроном томонидан унинг сифати ва характеристикаси аниқланмагунча қабул қилиб олинмайди.

13. Уруғлик пахта қуйидагилар билан тавсифланади:

селекцион нави;

авлоди;

пахтанг нави ва синфи;

тола типи;

дала гуруҳи.

14. Уруғлик пахта толаси типи бўйича O'z DSt 615:2008 давлат стандартига қараб бўлинади.

15. Уруғлик пахта пишиб етилганлик коэффициенти (1,9 дан кам бўлмаган ҳолда) ранги ва ташқи кўриниши бўйича O'z DSt 615:2008 I нав I синф пахта талабларига мувофиқ келиши шарт.

Хўжалик томонидан топшириш учун келтирилган уруғлик пахтанинг намлиги ва ифлослиги O'z DSt 615:2008 давлат стандарти талабларида белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлса, қуритиш ва тозалаш учун хўжаликка қайтарилади ёки хўжаликнинг розилиги билан техник пахтага қабул қилинади.

16. Уруғлик пахтада тош, газлама қийқимлари, кўк кўсак ёки унинг чаноклари, 4 см² гача бўлган ғўзанинг кўк барглари, кўк ўтлар ҳамда кўқарган ва мойланган пахта паллачаси кўринишидаги турли хил бегона нарсалар бўлмаслиги керак.

17. Уруғлик пахта кондицион массасига кўра, O'z DSt 615:2008 талабига асосан тўда бўйича қабул қилинади.

Уруғлик пахта тайёрлов масканида намлиги, ифлослиги ва чигитнинг механик шикастланишига кўра ва O'z DSt 642:2013 давлат стандартида кўзда тутилган меъёрлардан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

18. Уруғлик пахтани тайёрлашда хом терилган ва касалликка учраган пахтани қабул қилишга йўл қўйилмайди.

19. Хўжаликлардан қабул қилиб олинган уруғлик пахта 250-300 тоннадан қилиб селекцион нави, авлоди, нав тозаллиги, дала гуруҳи, саноат нави, келиб чиқиши, синфига қараб алоҳида-алоҳида тўдаларга тўпланади.

20. Бир хил уруғлик материал олиш учун апробация давомида аниқланган ҳар бир дала гуруҳидан териб топширилган уруғлик пахталар нави ва авлоди бир хил бўлишидан қатъий назар алоҳида ғарамларда сақланади.

21. Уруғлик пахтани нав ва авлоди бўйича алоҳида битта тўдага жамлаш лозим. Уруғлик пахтанинг икки тўдасини битта майдончага тўплашга йўл қўйилмайди.

22. Ҳосил йилидаги ғўзанинг ҳолати ва пишиб етилишидан келиб чиққан ҳолда уруғлик пахтани қабул қилиш муддатлари белгиланади.

23. Нав синаш участкасида етиштирилган уруғлик пахтани қабул қилиб олиш ва тўдаларга тўплаш давлат нав синаш участкаси вакили иштирокида амалга оширилади.

24. Пахта тозалаш корхонасида уруғлик пахтани тўдаларга тўплаш корхона агрономи ва Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими мутахассиси раҳбарлигида амалга оширилади. Тайёрлов масканида икки ва ундан ортиқ хўжаликдан келтирилган бир хил уруғлик пахта тўдалари селекцион ва саноат нави бир хил кўрсаткичларига эга бўлган ҳоллардагина Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими мутахассисининг рухсати билан қўшиб тўдаларга тўпланиши мумкин.

25. Пахта тозалаш корхонасига бир туманнинг турли тайёрлов масканларидан олиб келинган уруғлик пахталарнинг нави, авлоди ва дала гуруҳи

бир хил тўдаларда бирлаштириш (тўплаш) фақат ўзаро бирлаштирилаётган уруғлик пахта тўдаларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари бир-бирига яқин натижалари қайд этилгандагина, Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими рухсати билан амалга оширилади.

26. Пахта тозалаш корхонаси техник назорат бўлими уруғлик пахтанинг ҳар бир тўдасини тўплаш билан бир пайтда тайёрлов масканлари лаборантлари орқали ҳар куни қабул қилинаётган пахтадан белгиланган услуб асосида намуналар танлаб олинишини йўлга қўяди. Шунингдек, уни қайта ишлашни ташкил этади. Намуналар олингандан сўнг, уч кун ичида Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлимига 1 кг пахта чигити унинг механик шикастланганлик даражасини аниқлаш учун берилади. Пахтанинг қолган қисмидан лабораторияда толадан чигит ажратиб олинади ҳамда чигитнинг пишганлиги ва унувчанлигини аниқланади.

27. Уруғлик пахта тўдасининг ҳажмига қараб намуна тўдадан ёки унинг қисмидан (назорат бирлиги) олинади. Назорат бирлигининг ҳажми уруғлик пахта учун – 50 тоннани ташкил этади.

Олинган ҳар бир намунага тайёрлов маскани лаборанти имзолаган тўда рақами, пахтанинг селекцион нави, авлоди, саноат нави, синфи, тўдани тўплаш бошланган вақти ва унинг вазни намуна олиш муддати кўрсатилган ёрлик ёпиштирилади.

28. Уруғлик пахта қабул қилувчи пахта тозалаш корхоналари ва масканларида ҳудуднинг бир қисмига техник ва бошқа қисмига уруғлик пахта хомашёси алоҳида-алоҳида тўдаларда жамғарилиб сақланади.

29. Марказ тизимидаги элита уруғчилик хўжаликларида етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси хўжаликнинг ўзида, махсус омборхонасида сақланади.

Районлаштирилган ва янги навларнинг элита авлодининг уруғлик пахтаси янги қанор-қопларга солиниб, ҳар бир қопнинг ички ва ташқи қисмига амалдаги стандарт талаблари асосида тайёрланган ёрликлар қўйилиб, куруқ, тоза ва ёпик омборхоналарда сақланади. Қанор қоплар ёғоч таглик устига тахлаб қўйилади.

30. Янги ғўза навларининг биринчи авлоди уруғлик пахтаси 50 тоннагача бўлган қисмини куруқ бинода ҳамда ушбу миқдордан ортиғи белгиланган стандарт талабларга биноан очик ғарамда сақланади. Биринчи авлодга мансуб районлаштирилган ғўза навининг очик майдонларда ғарамлаб, янги брезент билан ёпилган ҳолда сақлашга рухсат этилади.

31. Уруғлик пахтанинг иккинчи ва ундан паст авлодли ҳар бир тўпланган тўдалари бошқа тўдалардан алоҳида ажратиб, майдончаларда ғарам ҳолида янги брезент билан ёпиб, намланишга ва уруғлик материалнинг бузилишига йўл қўймаган шароитда сақланади.

32. Уруғлик пахта сақланаётган ҳар бир омбор ёки ғарамга пахтанинг 8-ХЛ шакли паспортдан кўчирма ёпиштириб қўйилади. Унда тўда рақами ва вазни, селекцион ва саноат нави, синфи, авлоди, нав тозалиги, апробация

натижалари бўйича аниқланган дала гуруҳи, омборхона ёки ғарам рақами, қабул қилувчининг исми, фамилияси кўрсатилади.

Паспортдаги ёзувларнинг ўз вақтида ва тўғри тўлдирилиши учун масъулият қабул қилувчи корхона ёки масканнинг катта лаборанти зиммасига юкланади. Пахта тозалаш корхонаси агрономи ва Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими мутахассиси уруғлик пахта паспортидаги ёзувларнинг тўғрилигини текширади.

33. Уруғлик пахтанинг биринчи ва кейинги авлодли ҳар бир жамланган тўдалари бошқа тўдалардан алоҳида ажратиб, майдончаларда ғарамланади ҳамда янги брезент билан ёпилиб, арқонлари маҳкам тортилиб, намланишга ва уруғлик материалнинг бузилишига йўл қўйилмайдиган шароитда сақланади.

34. Ғарам кўтарилгандан кейин қўлда ёки механизм ёрдамида унинг узунаси бўйлаб беш кун муддат ичида туннел қазилиб, туннелнинг баландлиги 1,8-2,0 метр, эни 0,8-1,0 метр бўлиши талаб этилади.

35. Туннел қазилар, тарашлаш ва қирқишдан чиққан уруғлик пахталар пахта тозалаш корхоналарининг уруғчи агрономи, товаршунос, хизмат кўрсатиш марказининг ҳудудий лабораторияси мудирлари иштирокида тузилган далолатнома асосида ушбу навнинг тегишли синфига мансуб техник пахта ғарамига ўтказилади.

36. Уруғлик тайёрловчи ташкилотнинг масъул ходимлари томонидан уруғлик пахта ғарамларининг сақланиши, ташқи кўриниши ва ҳароратини ҳар беш кунда бир марта ўлчаш йўли билан амалга оширилади ва натижаси бўйича махсус дафтарларга қайд қилиб борилади. Бунда:

ғарамлардаги ҳарорат 8 жойдан (4 та бурчаклар томондан, 4 таси эса ён, олд ва орқа томонлардан) 4 метр чуқурликда ўлчанади. Омборларда сақланган пахта ғарамларининг эса эшик томонидан битта жойда, тепа қисмидан 4-6 жойдан ўлчанади ва ҳарорат ўлчагич ғарам ичида камида 30 дақиқа туриши керак;

уруғлик пахтанинг 3-4 метр чуқурлигидаги ҳарорати 30°C дан юқори бўлса, у ҳолда ҳавони тезда сўриш чораларини кўриш лозим.

IV боб. Уруғлик пахтани пахта тозалаш корхоналарига ташиш

37. Уруғлик пахтанинг районлаштирилган ва янги навларнинг элита авлоди тайёрлов масканидан пахта тозалаш корхонасига ҳар бир тўпланган тўда бўйича алоҳида-алоҳида жўнатилади.

38. Жўнатилаётган пахтанинг ҳар бир тўдасига 1-ТХЛ шакл товар-транспорт йўл варақаси “уруғлик пахта” белгиси билан юборилади.

39. Уруғлик пахтани жамғариш тугалланмаган тўдаларни пахта тозалаш корхонасига ташишга рухсат этилмайди.

40. Турли тайёрлов масканларидан келаётган уруғлик пахта тўдаларини пахта тозалаш корхонасида жамлаш корхона агрономи раҳбарлигида Хизматлар

кўрсатиш марказининг туман бўлими мутахассиси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

41. Стандарт талабларига жавоб бермайдиган уруғлик пахта умумий миқдордан ажратиб олинади ва техник пахтага ўтказилади.

42. Уруғлик пахта тайёрлаш ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда, белгиланган тартибда юритилади.

V боб. Уруғлик пахтани қайта ишлаш ва келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик чигит тайёрлаш

43. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармалари, Марказнинг ҳудудий бошқармалари, пахта-тўқимачилик кластер корхоналари ходимлари иштирокида уруғлик пахтанинг нав, авлодлари кесимида қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш режа графиклари ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқилган режа график Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Марказга тасдиқланган ҳолда тақдим этади.

Пахта тозалаш корхоналари режа график асосида уруғлик пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнига киришилади.

44. Қабул қилинган уруғлик пахта хомашёсини ғарамларда камида икки ой тиним даврида сифатли сақланиб, пахта хом-ашёсидаги чигитлар тўлиқ физиологик етилганидан сўнг, қайта ишлашга бериш ва ишлаб чиқаришдан олинган уруғлик чигитни уруғлик тайёрлашга ихтисослашган корхоналарга ташиш, дорилаш, сақлаш ва фермер хўжаликларига етказиб берилишини ташкил қилиш босқичма-босқич амалга оширилади.

45. Пахта тозалаш корхоналари “Уруғлик пахтани дастлабки ишлаш технологик регламенти” талаблари асосида уруғлик пахталарни дастлабки қайта ишлаш амалга оширилади.

Бунда қайта ишлашга киришиладиган селекцион навнинг I саноат навли 1-синфга техник пахтасини қайта ишланади. Ушбу селекцион навнинг пастки авлодидан бошлаб, қайта ишлашга киришилади (R-2 - R-1 - элита).

46. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг ғўзани навлар бўйича жойлаштириш қароридан келиб чиқиб, туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари ва Марказнинг ҳудудий бошқармалари ғўза нави, авлоди, ғарам ва тўда рақами акс эттирилган уруғлик пахтани қайта ишлаш режасини ишлаб чиқади ва уруғлик пахтани қайта ишлашдан 3 кун олдин пахта тозалаш корхоналарига тақдим этади.

Бунда биринчи навбатда ишлаб чиқаришга бериладиган ғўза навининг барча авлодлари кетма-кетлигини эътиборга олади. Пахта тозалаш корхоналари ушбу режа асосида уруғлик тайёрлашни ташкил қилади.

47. Пахта тозалаш корхоналари уруғлик пахтани дастлабки ишлаш технологик регламентига қатъий риоя қилган ҳолда, уруғлик пахтани қайта ишлашдан аввал пахта тозалаш корхонасининг асосий ва ёрдамчи ускуналарини ростлаб олиш зарур ҳисобланади. Бунинг учун режа бўйича уруғлик пахтанинг қайси селекцион нави дастлаб ишланса, шу селекцион навига тегишли техник пахтанинг биринчи ёки иккинчи саноат нави дастлабки ишлашга берилиб, асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг технологик параметрлари ростланади.

Ўрта толали навларни дастлабки ишлашни аррали, ингичка толали навларни ишлашни валикли жинлар билан жиҳозланган пахта тозалаш корхоналарида амалга оширилади.

Ишланаётган пахта хом ашёси сифат кўрсаткичлари бўйича O'z DSt: 642:2013 “Уруғлик пахта. Техникавий шартлар” давлат стандарти талабларига жавоб бериши керак.

Уруғлик пахтани дастлабки ишлаш вақтида уруғлик чигитнинг механик шикастланишини камайтириш мақсадида аррали жиннинг ҳар бир аррасига тўғри келадиган тола олиш миқдори 7,0 кг тола/арра соатдан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилади, валикли жинларнинг умумий иш унумдорлиги биринчи нав техник пахтани ишлашдаги иш унумдорлигидан, ўртача, 35% га кам бўлиши керак.

Уруғлик пахта ғарамларида сақланаётган пахта таркибидаги чигитнинг пишиб етилиши учун тавсия этилган сақлаш муддатини ва дориланган уруғлик чигитни экишгача камида 15 кун муддатда ушлаб туриш вақтини ҳисобга олган ҳолда пахта тозалаш корхоналарнинг уруғлик пахтани дастлабки ишлашнинг мавсумий иш режимларини 1 декабрдан 1 февралгача 3 сменада ўрнатиш тавсия қилинади.

Захира уруғлик фонди учун уруғлик чигит тайёрлаш вақтида, уруғлик пахтани дастлабки ишлаш маддатлари чегараланмайди.

Технологик жараёнларни ростлаш вақтида чигитнинг механик шикастланиши, туклилиги, қолдиқ толадорлиги Давлат стандарти талабларига жавоб беришига қатъий эътибор қаратиш лозим.

48. “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлинмалари, Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими ва Марказнинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари пахта тозалаш корхоналарининг масъул ходимлари томонидан технологик жараёнда иштирок этадиган барча асосий ва ёрдамчи ускуналардаги техник пахта ва чигит қолдиқларидан тозаланганлигини назорат қилиб, уруғлик пахтани қайта ишлашга рухсат беради ва бу ҳақда тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

49. “Ўзагроинспекция”нинг туман бўлими ва Марказнинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари пахта тозалаш корхоналарида уруғлик пахтани қайта ишлаш даврида навбатчилик ташкил этиб, технологик жараёнларни назорат қилиб боради. Ишлаб чиқариш ташкил этилаётган ҳар сменада 2 - 3 марта ишлаб чиқаришдан олинаётган уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлили ўтказиб борилади. Қайта ишлашдан олинган уруғлик чигит стандарт талабларига тўлиқ жавоб бермаса, зудлик билан ишлаб чиқариш тўхтатилади ва камчиликлар зудлик билан бартараф қилинади. Зарур ҳолларда далолатнома расмийлаштирилади.

Агар, ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган камчиликлар ўз вақтида аниқланмасдан, яқунда уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичи стандарт талабларига мос келмаса, яъни қайта ишлашдан олинган уруғлик чигитлар белгиланган стандарт талабларига зид равишда қайта ишлаш ҳолатлари аниқланса, лаборатория таҳлиллари асосида яроқсизга чиқарилади.

Шунингдек, қайта ишлаш жараёнида аниқланган камчилик зудлик билан бартараф этилмасдан зарур чоралар кўрилмаса, пахта тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқаришга масъул бўлган инженер-техник ходимлари ўрнатилган тартибда жаримага тортилади.

Шу билан биргаликда, бириктирилган масъуллар томонидан ишлаб чиқаришдан олинаётган уруғлик чигитларнинг сифатли сақланиши ҳамда махсус автотранспорт воситаларида ихтисослашган уруғлик чигит тайёрлаш корхоналарига жўнатилиши ва дориланган уруғлик чигит ташилиши устидан тизимли назорат ўрнатилади.

Бунда, Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими ва Марказининг ҳудудий бошқармалари ва пахта тозалаш корхоналари тегишли ходимлари масъул ҳисобланади.

50. Уруғлик пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган уруғлик чигитлар Марказнинг ҳудудий бошқармалари хатига асосан ғўза нави ва авлоди, миқдорини ҳамда муддатини аниқ кўрсатган ҳолда қайси уруғлик чигит тайёрлаш корхонасига жўнатилиши белгилаб берилади.

Уруғлик чигитни дорилаш фақат рухсат этилган уруғлик чигитни дорилаш цехларида амалга оширилади ва улар тайёрланган уруғлик сифатига масъул ҳисобланади.

Пахта тозалаш корхоналари ушбу цехларга бириктирилади.

51. Уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналарида O`z DSt 663:2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар.” давлат стандарти ва Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти талаблари асосида амалга оширилади.

52. Пахта тозалаш корхоналарида тозаланган уруғлик чигитнинг ҳар бир ғўза нави ва авлоди бўйича алоҳида-алоҳида тўдалар аралаштирилмаган ҳолда уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналарга ўрнатилган тартибда ташиб келтиришни ташкил этади.

53. Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлими мутахассиси уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган корхонага кирим қилинаётган уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб, жўнатилган ҳужжатлардаги сифат кўрсаткичларига мослигини ҳолис баҳолайди.

Агарда уруғлик чигитнинг сифатини белгиловчи кўрсаткичларда (механик шикастланиш, тукли тола қолдиғи ва ҳ.к) Хизматлар кўрсатиш марказининг уруғлик чигит тайёрлаш корхонасидаги ходимлари томонидан ўтказилган таҳлиллар давомида тафовут аниқланса, мазкур тўдалар қайта ишловчи корхонага қайтарилади.

54. Уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона мудирини корхонадаги технологик ускуналарнинг тўлиқ ишлашини таъминлайди ҳамда уруғлик чигит тайёрлаш бўйича тавсияномаларга риоя қилган ҳолда уруғликнинг сифатли ва белгиланган меъёрлар бўйича тайёрланишини таъминлайди.

Бунда технологик ускуналарнинг тўлиқ ростланганлигини аниқлаш мақсадида дастлаб 5 тонна миқдорда техник чигит қайта ишланади, ушбу миқдор далолатнома асосида чиқитга чиқарилади. Шундан сўнг, юқори авлодли уруғликлар экишдан ортиб қолишини олдини олиш мақсадида биринчи репродукцияли уруғликларни дорилашга киришилади.

55. Уруғлик чигит тайёрлаш корхоналари уруғлик чигит тайёрлаш жараёнини Хизматлар кўрсатиш марказининг ҳудудий филиаллари ва туман бўлимлари ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари назорат остида амалга оширади.

56. Уруғлик чигит тайёрлаш корхоналари уруғлик чигит тайёрлаш жараёнини Хизматлар кўрсатиш марказининг ҳудудий филиаллари ва туман бўлимлари ҳамда Марказнинг ҳудудий бошқармалари буйруқлари билан мутахассислари куну-тун навбатчилик графиги асосида назорат қилиш учун бириктирилади.

Бунда Хизматлар кўрсатиш марказининг туман бўлимилари ходимлари томонидан уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида бевосита назоратга олиниб, ҳар бир ускунадан қайта ишлашдан чиқаётган уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари (механик шикастланиш даражаси ва 1000 дона вазни) бўйича ҳар икки соатда таҳлиллар ўтказиб, дафтарга қайд қилиб борилади.

Агар уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичи стандарт талабларига мос келмаса, зудлик билан ишлаб чиқариш тўхтатилади. Юзага келган технологик носозликлар уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона ходимлари

томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнларида уруғлик чигитнинг стандарт талабларига зид равишда тайёрланишига йўл қўйилмайди.

Уруғлик чигит сифати стандарт талаблари асосида тайёрланиши учун буйруқ билан бириктирилган лаборатория ходимлари ҳамда назоратчилар масъул эканлиги инобатга олиниб, ҳар смена якуни билан тайёрланган уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда миқдори бўйича тегишли далолатномалар расмийлаштириб борилади.

57. Ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислари томонидан уруғлик чигитни дорилаш учун кимёвий препаратларнинг туридан келиб чиқиб белгиланган меъёрда қўшиб ишчи эритма тайёрланиши ва дорилаш сифати доимий назорат қилинади.

Бунда рухсат этилган кимёвий препаратларнинг тавсиялардан келиб чиқиб, препаратларнинг сарфини меъёрларида белгилаш ва ишчи эритманинг талаб даражасида тайёрланиши ҳамда уруғликнинг сифатли дориланиши учун Ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассисларнинг тавсиялари асос бўлади.

58. Уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослашган корхоналарда пахта-тўқимачилик кластер корхоналарининг эҳтиёжи учун тайёрланадиган уруғлик чигитни ўрнатилган тартибда тузилган шартнома асосида дорилаш ишларини амалга оширади.

Бунда тузилган шартнома бўйича тўловлар жорий йилдан кечиктирмай пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан тўлаб берилади.

59. Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида уруғликнинг стандарт талабларига мос равишда тайёрланишини назорат қилиб бориш учун пахта-тўқимачилик кластер корхонаси раҳбарининг буйруғи билан доимий вакили (масъул ходими) бириктирилади.

60. Уруғлик чигитни сақлаш O'z DSt 663:2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар” давлат стандарти асосида олиб борилади. Уруғлик чигит жойлашган қоплар тўдаларда алоҳида-алоҳида қилиб ёғоч тагликлар устида тахланиб сақланиши ва ҳар бир уруғлик чигит тўдасига паспорт илинган бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- маҳсулотнинг номи;
- тўда тартиб рақами;
- селекцион нави ва авлоди;
- чигит унувчанлиги;
- уруғдориллагич номи;
- дала гуруҳи;
- тўданинг ҳақиқий ва кондицион массаси;
- ҳосил йили стандарт талабларига мувофиқлиги.

61. Уруғлик чигитларни қабул қилиш ва сақлаш учун ажратилган омборлар хашарот ва зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов берилган, эски йил чигит қолдиқларидан тозаланган, том ва деворлари созланган, эшиклари зич ёпиладиган ва шамоллатиш тизими мавжуд бўлиши ҳамда барча техник талабларга жавоб бериши лозим.

62. Йилдан-йилга қолдирилган уруғликлар сақлашга мўлжалланган омборларда стандарт талабларига мувофиқ сақланади. Ушбу омборлар ҳар олти ойда зараркунандаларга қарши дизенфекция ва фумигация ишлари амалга ошириб борилади.

Йилдан-йилга сақлашга қолдирилган уруғлик экиш учун сарфланиши белгиланганда, яроқлилиги бўйича мувофиқлик сертификати қайта олинади.

63. Айрим ҳудудларда етишмайдиган ғўза навларининг уруғлик чигити вилоятлараро ва туманлараро корхоналар ўртасида ташилади.

64. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда ғўза навларини жойлаштириш бўйича қарор билан белгиланган навларни жойлаштириш режасининг амалда бажарилишини таъминлаш ҳамда ғўзанинг янги ва истиқболли навларининг етишмайдиган қисмини бошқа вилоятдан ажратиш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳудудлардан келиб тушган ёзма мурожаати Марказ томонидан ўрганиб чиқилиб, икки кун ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагроинспекция” ҳамда “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг қўшма хабарномасини тайёрлаб тақдим этади ҳамда уруғлик чигитни вилоятлараро ташишга рухсат этилади.

65. Техник пахтанинг биринчи саноат навига мансуб уруғлик пахтани брон захира қилиш Марказ, Хизматлар кўрсатиш марказининг ҳудудий филиаллари ва нав муаллифларининг зиммасига юклатилади, уларнинг таклифлари асосида брон қилинади, тегишли тартибда далолатнома ва ҳужжатлар расмийлаштирилади.

66. Вилоятлараро ташиладиган уруғлик чигитлар ҳисоб-китоблари ўрнатилган тартиб асосида икки томонлама тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

67. Туманлараро ёки корхоналарга ҳосил йили учун фермер хўжаликларига етказиб беришда талаб этиладиган уруғлик чигит Уруғчиликни ривожлантириш марказининг ҳудудидий бошқармаси томонидан ўрнатилган тартибда олувчи-жўнатувчи туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимлари ва нухаси пахта тозалаш ҳамда пахта-тўқимачилик корхоналарига тақдим этилган хат асос ҳисобланади.

68. Хат билан рухсат берилгандан кейин корхоналар ўзаро ўрнатилган тартибда шартнома асосида зарур бўлган уруғликни сотиб олиши ва ортиқча уруғликни сотишни амалга оширадilar. Уруғлик чигитни туманлараро-корхоналараро ташиб келтирилиб, тайёрланган ҳолда фермер хўжаликларига

етказиб берилишини таъминлайдилар. Бошқа корхонадан олинган уруғлик чигит тўловлари ҳосил йилининг ўзида амалга оширилади.

69. Уруғлик чигит қиймати ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тасдиқланган харид нархлар нархномаси асосида белгиланади.

70. Республика ҳудудида вилоятлараро ва туманлараро пахта тозалаш корхоналари ўртасида олувчи ёки жўнатувчи корхоналар томонидан уруғлик чигит қийматини сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

71. Уруғлик чигитни ташишда транспорт воситаларини жалб этиш ва харажатларни тўлаб бериш олувчи корхона томонидан амалга оширилади.

72. Шартномага асосан сотилган дориланган уруғлик чигитлар учун сотувчи корхона томонидан мувофиқлик сертификатини олиш ва олувчи корхонага бериш томонларнинг мажбурияти қилиб белгилаб қўйилади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар уруғлик чигит учун мувофиқлик сертификати олиниши шарт.

Мувофиқлик сертификати Хизматлар кўрсатиш маркази томонидан белгиланган тартибда берилади.

73. Дориланган уруғлик чигитларни сертификатлаш сотувчи корхона томонидан, дориланмаган уруғлик чигитлар эса, олувчи вилоятнинг Хизматлар кўрсатиш маркази ҳудудий бўлими томонидан таҳлил натижаси берилади.

74. Уруғлик чигит, пахта тозалаш корхонаси омборларидан туман ҳокимининг ғўзани навлар бўйича жойлаштириш қарорига асосан, селекцион нави ва авлоди бўйича кўрсатилган миқдорларда, махсус шахобчаларга жўнатилади. Жўнатилаётган чигит корхонадаги тарозида тортилиб, уни физик ва кондицион массалари аниқланган бўлиши керак.

Бу кўрсаткичлар махсус рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган журналда қайд этилади.

Мазкур журнал пахта тозалаш корхонасининг уруғлик чигит товаршуноси томонидан тўлдирилади ва у ёзилганларнинг тўғрилигига ҳамда журналнинг сақланишига жавобгардир.

75. Пахта тозалаш корхоналаридан жўнатилган уруғлик чигит туман шахобчаларида пахта тозалаш корхонаси томонидан бириктирилган махсус жавобгар шахс томонидан қабул қилинади.

76. Уруғлик чигит пахта тозалаш корхонаси (пахта тўқимачилик кластер корхоналари)дан берилган йўл товар транспорт варақаси асосида қабул қилинади.

Бу ҳақда рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган махсус журналда қайд қилинади. Қабул қилинган чигит омборларда уни тайёрлаш усули (тукли, туксизлантирилган), авлоди ва селекцион нави кўрсатилган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланади.

77. Қабул қилинган уруғлик чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори тўғрисида шаҳобчадаги жавобгар шахс ҳар куни пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига расмий равишда маълумот тақдим этади.

78. Пахта тозалаш корхоналаридан юборилган уруғлик чигит ва махсус шаҳобчага қабул қилинган уруғлик чигит миқдори ўртасида тафовут аниқланса, бу ҳақда далолатнома тузилади ва шу куни пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига ахборот берилади.

Қабул қилинган уруғлик чигитнинг сақланиш сифати ва миқдорига шаҳобчага бириктирилган масъул ходим шахсан жавобгар ҳисобланади.

79. Уруғлик чигитни фермер хўжаликларга тизимли етказиб беришини ташкил этиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланади:

вилоят ва туман ҳокимлигининг нав жойлаштириш қарорига асосан ҳар бир фермер хўжаликларига тақсимот асосида тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигитлар селекцион навлари бўйича етказиб берилади;

тақсимотга асосан, уруғлик чигит бериш вақтида шаҳобча ҳар бир фермер хўжаликлари бўйича 3 та нусхада юк хатини тўлдиради ва уларга етказиб беради;

Ҳукумат қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари экишга оладиган уруғлик чигитнинг 50% қийматини олдиндан тўлаб берадилар. Бунда хизмат кўрсатувчи банкларга уруғлик чигитнинг 50% қийматида кредит ресурслари ажратиш тўғрисида буюртма (заявка) берадилар ва тўлов тақдимномалари тақдим этадилар. Тақдим этилган тўлов тақдимномалари банклар томонидан умумлаштирилади ва кредит маблағлари ажратилиб, тегишли пахта тозалаш корхоналарига ўтказиб берилади;

уруғлик чигит тарқатишда, унинг 50% қиймати тўланганлигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;

VI боб. Уруғлик чигитни вилоят туманларидаги махсус шаҳобчаларга етказиб бериш

80. Махсус шаҳобчалар фермер хўжаликларига экиш учун керакли бўлган уруғлик чигит миқдорига қараб ташкил этилади.

81. Уруғлик чигит пахта тозалаш корхонаси омборларидан туман ҳокимининг ғўза навларининг жойлаштирилиши ҳақидаги қарорига асосан, селекцион нави ва авлоди бўйича кўрсатилган миқдорларда, махсус шаҳобчаларга жўнатилади.

жўнатилаётган чигит корхонада торозида тортилиб, уни физик ва кондицион массалари аниқланган бўлиши керак. Бу кўрсаткичлар махсус рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган дафтарда қайд этилади:

бу дафтар пахта тозалаш корхонасининг уруғлик чигит товаршуноси томонидан тўлдирилади ва у ёзилганларнинг тўғрилигига ҳамда дафтарнинг сақланишига жавобгардир.

мувофиқлик сертификати (ёки экишга яроқлилиги бўйича таҳлил натижаси) мавжуд бўлмаган уруғлик тўдаларини уруғлик сифатида реализация қилиш (сотиш) қатъиян тақиқланади.

VII боб. Уруғлик чигитни маҳсус шахобчаларда қабул қилиш ва сақлаш

82. Пахта тозалаш корхоналаридан жўнатилган уруғлик чигит туман шахобчаларида пахта тозалаш корхонаси томонидан бириктирилган маҳсус жавобгар шахс томонидан қабул қилинади:

уруғлик чигит пахта тозалаш корхонасидан берилган йўл товар транспорт варақаси асосида қабул қилинади. Бу ҳақда рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган маҳсус дафтарда қайд қилинади. Қабул қилинган чигит омборларда уни тайёрлаш усули (тукли, туксизлантирилган), авлоди на селекцион нави кўрсатилган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланади;

қабул қилинган уруғлик чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори тўғрисида шахобчадаги жавобгар шахс ҳар куни пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига расмий равишда маълумот тақдим этади;

пахта тозалаш корхонасидан юборилган уруғлик чигит ва маҳсус шахобчага қабул қилинган уруғлик чигит миқдори ўртасида тафовут аниқланса, бу ҳақда далолатнома тузилади ва шу куни пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига ахборот берилади.

қабул қилинган уруғлик чигитнинг сақланиш сифати ва миқдорига шахобчага бириктирилган масъул шахс шахсан жавобгар.

VIII боб. Уруғлик чигитни етказиб беришдаги ҳисоб-китоб ишларини ташкил этиш

83. Туман ҳокимлигининг қарорига асосан ғўза навларининг ҳар бир фермер хўжаликлари бўйича жойлаштирилишидан келиб чиқиб, ҳар бир хўжаликка етказиб бериладиган чигит миқдори аниқлаб чиқилади:

тақсимотга асосан, уруғлик чигит бериш вақтида шахобча ҳар бир фермер хўжаликлари бўйича 3-нусхада юк хатини тўлдиради ва уларга етказилади;

тўлдирилган юк хати асосида, уруғлик чигитининг 50% қиймати миқдорида фермер хўжаликлардан тўлов талабномалари олинади ва уларга хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим этилади;

тақдим этилган тўлов талабномалари асосида хизмат кўрсатувчи банк кредит маблағларини ажратади ва уруғлик чигитнинг 50% қиймати учун олдиндан тўловни амалга оширади.

IX боб. Уруғлик чигитни шахобчалардан фермер хўжаликларига тарқатиш

84. Уруғлик чигитнинг шахобчалардан фермер хўжаликларга берилиши учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

- жорий йил ҳосили учун чигит экишга тайёрланган майдонга уруғлик чигит бериш ҳақидаги сертификат;
- хўжалик раҳбарияти томонидан берилган ишонч қоғози;
- уруғлик чигит олиш учун талабнома (ариза).

Фермер хўжаликларига уруғлик чигит туман ҳокимининг ғўза навларининг жойлаштирилиши ҳақидаги қарорига ҳамда хўжаликнинг кунлик экиш режаси ва экиш агрегатининг сонига қатъий риоя қилинган ҳолда берилади;

фермер хўжаликларига юқори сифатли уруғлик чигит фақат дориланган, қопларга қадоқланган ва мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлган тақдирда ғўзани селекцион навлар бўйича жойлаштириш қарорига мувофиқ ажратилади;

берилаётган чигитнинг массаси давлат кўригидан ўтган тарозида тортилади. Бу чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори махсус журналда қайд қилинади;

шаҳобчадан олинган уруғлик чигитнинг сифатига ва миқдорига фермер хўжалиги томонидан билдиришнома берилади. Билдиришнома махсус журналда қайд қилинади.

85. Фермер хўжаликларига уруғлик чигит туман ҳокимининг ғўза навларининг жойлаштирилиши ҳақидаги қарорига ҳамда хўжаликнинг кунлик экиш режасига қатъий риоя қилинган ҳолда берилади:

берилаётган чигитнинг массаси давлат кўригидан ўтган тарозида тортилади. Бу чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори махсус дафтарда қайд қилинади;

шаҳобчага бириктирилган масъул шахс томонидан хўжаликларга берилган уруғлик чигит тўғрисидаги маълумот пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига топширилади;

шаҳобчадан олинган уруғлик чигитнинг сифатли сақланишига ва экилишига фермер хўжаликларнинг раҳбарияти жавобгардир;

шаҳобчалардан хўжаликларга уруғлик чигитни тарқатиш туман ҳокими томонидан тасдиқланган схемага асосан амалга оширилади;

уруғлик чигитни хўжаликларга жўнатиш вақтида пайдо бўлган келишмовчиликлар вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан бириктирилган масъул шахс иштирокида ҳал этилади;

шаҳобчадан олинган уруғлик чигитнинг сифатли сақланишига ва экилишига фермер хўжаликларнинг раҳбарлари жавобгардир;

қайта, оласига экиш ва қўшимча уруғлик чигит талаб этиладиган бўлса, фермер хўжалиги раҳбари томонидан қайта экиладиган майдоннинг зарарланганлиги тўғрисида туман қишлоқ хўжалиги бўлими, Хизматлар кўрсатиш марказининг ҳудудий филиаллари ва туман бўлимлари, Марказнинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари, “Ўзгидромет” маркази ходимлари ҳамда тегишли давлат ташкилотлари мутахассисларидан иборат махсус комиссия томонидан зарарланган майдон ва талаб этиладиган чигит миқдори аниқланади. Комиссия томонидан далолатнома тузилади ва шаҳобчага уруғлик ажратишга асос бўлиш учун тақдим этилади.

86. Хўжаликларга тарқатилаётган чигитларнинг миқдори ҳар бир хўжаликда қўлланиладиган экиш схемасига асосан тарқатилади. Хўжаликда қўлланиладиган схема тури туман қишлоқ хўжалиги бўлими ва хўжалик томонидан тасдиқланган ҳолда шаҳобчага тақдим этилади.

X боб. Чигит экишни ташкиллаштириш

87. Чигит экишни ташкиллаштириш қуйидаги тадбирлардан иборат:

- семинар ўтказиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш;
- техникани тайёргарлик ҳолатини кўриб чиқиш ва далага чиқишга рухсат бериш;
- кунлик олиб борилаётган ишлар юзасидан мутахассис ёки бериктилган вакилнинг ҳисоботини эшитиш;
- уруғлик чигит экиш компаниясида иштирок қиладиганларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш (иссиқ овқат, кийим-бош, пул маблағларини тўлаб бориш);
- уруғлик чигит экишда қатнашадиган трактор ва сеялкаларга техник хизмат кўрсатиш гуруҳларнинг ишини сменали ташкил қилиш;
- уруғлик чигит экишнинг якуни бўйича йиғилиш ўтказиш, экиш компанияси даврида йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтиш ва рағбатлантириш ишларини олиб бориш.

XI боб. Ерни чигит экишга тайёрлаш

88. Уруғлик чигитни экишда фермер хўжаликларида ер майдонлари тўлик тайёр бўлиши (яъни ер шудгорланган, текисланган, борона қилинган, майдон четлари тўрт бурчак шаклга келтирилган бўлиши) ва агротехник талабларга жавоб бериши керак.

89. Уруғлик чигит экишда ишлатиладиган трактор ва сеялкалар тўлик таъмирдан чиқарилган ва туман техник назорати кўригидан ўтказилган бўлиши шарт.

XII боб. Чигитни қабул қилиш ва экишга тайёрлаш

90. Фермер хўжаликлари сертификат олгандан сўнг, ўзининг техникасига бир кунлик экиш унумини назарда тутган ҳолда, туман ҳокими қарорида белгиланган нав бўйича уруғлик чигит олиш учун шаҳобчага хабар беради.

91. Экиладиган тукли уруғлик чигитларни димлаш учун брезент, маҳсус майдонча, 2-3 та пақир, чигитни ўлчаш учун тарози, аралаштириш учун ёғоч кураклар, маҳсус кийим, резина этиклар, қўлқоплар, респираторлар бўлиши керак. Намланган уруғлик чигит ўз вақтида олиб экилмаса, уруғлик чигитнинг сифати бузилса бунинг учун шахсан фермер хўжалиги жавоб беради.

Фермер хўжаликларда тукли уруғлик чигитни экишдан олдин ивитиш ёки димлаш қуйидагича ўтказилади:

- чигитни 1-1,5 метр кенликда ва 20-30 см қалинликда бетонланган майдонга ёйиб, уч марта намланади. 1 тонна чигитга тахминан 600 литр сув сарфланиб, сув аста-секин пуркалиб, ғарам эса белкуракда қориштириб турилади. Ҳар галги сув пуркашдан сўнг, чигит баландлиги 50-70 см қалинликда йиғилиб, устига плёнка ёки брезент ёйиб қўйилади. Чигит кун давомида намланиб димланади. Намлаш, димлаш жараёнида чигитларни шикастланишдан асраш керак.

XIII боб. Чигитни экиш

92. Чигит экиш учун механизаторлар танлов асосида саралаб олинади ва унга назоратчи тайинланади. Экишга бир ҳафта қолганда туман ҳокимлиги бошчилигида фермер хўжалиги ва тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида экиш мавсумига доир семинар машғулоти ўтказилади.

Чигит эрта баҳорда, яъни тупроқнинг намлик миқдори етарли бўлганда 3-4 см. га, тупроқнинг намлиги қочган бўлса 5-6 см чуқурликка экиш лозим.

Уруғлик чигит экилган далаларнинг боши ва охиридаги уват қисми кўшимча юмшатилоганидан сўнг, кўндалангига чигит қадалади. Экиш билан бирга азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 10-15 кг/га ёки 5-10 фоизи, фосфорнинг 20-30 кг/га 10-12 см чуқурликда маҳсус мосламалар ёрдамида солинади.

Экиш пайтида сеялкаларнинг барча тўрт қатори ҳам чигитни бир текис ташлаши ва бир хил чуқурликда кўмиб кетиши мунтазам равишда назоратда бўлиши шарт.

XIV боб. Яқуний қоида

93. Мазкур тавсияда келтирилган амалдаги қоидаларнинг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.